

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Жумакул Қурбонов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Махмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Диilorom Mуротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Ориф Ҳожи

12
2020



Ҳозирги ўзбек шеъриятида муножот ва мулокот шакли

Сайдулла
МАТЯКУБОВ

Ўзига хос бадиий ифода тарзига эга бўлиб, шеъриятимизда мавжуд анъаналарга янгича рух бераётган шоира Гулжамол Асқарова ижоди кўпчиликка манзур бўлмоқда. Зеро, унинг шеърларида ҳаётга, инсон умри ва унинг моҳиятига бўлган муносабатнинг бадиий талкини ўқувчини чукур мулоҳазага ундайди. Бу борада шоиранинг мумтоз шеъриятга хос бўлган муножот шаклида ёзган шеърлари алоҳида аҳамият касб этади.

Лирикада муножот яратилиши борасида адабиётшунослигимизда бир қатор илмий қарашлар мавжуд. Хусусан, адабиётшунос олим Сувон Мели “Муножот” хусусида қуйидагича мулоҳаза билдиради: “Илоҳий сезги тирик инсонни ҳеч қачон тарқ этмайди. Чунки бу сезги одамнинг қон-қонида, яратилишида, фитратида мавжуд. Одам, таъбир жоиз бўлса, шундай дастурлаштирилган. Олий дастурчи эса – Тангри таоло. Оллоҳсиз, илоҳий сезгисиз Инсон – ёрти, чала. Шарқ мумтоз адабиётида кенг тарқалган – “Муножот” ушбу ёртилик, кемтикликни тўлдириш, бутунлик (комиллик)ка эришиш йўлидаги шахд, руҳоний таваллонинг бадиий сўздаги тасвир – ифодаси, мужассамидир¹.

Табиатан ҳар қандай шеърий асарнинг вужудга келиши диалогик тафаккур маҳсули саналади. Негаки, шоир муайян бир ҳодиса ёки мавзу ҳақида ўз қалби ёки қандайдир бир табиат ҳодисаси, қонунияти билан фойибона мулокот қиласи. Мавжуд жараён ёки ҳодисага савол билан мурожаат қиласи, у бўлиб жавоб беради.

¹ Мели С. “Муножот” поэтикасида қиёс // Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни (халқаро илмий анжуман материаллари). Навоий, 2017. – Б. 86-87.

Сайдулла МАТЯКУБОВ — филология фанлари номзоди, доцент. 1977 йилда тугилган. Нукус давлат педагогика институтини тамомлаган. Матбуотда 40 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. Монография ва ўқув қўлланмалар муаллифи.

Хозирги ўзбек шериятида муножот ва мулоқот шакли

Гулжамол Асқарованинг “Эркалик имтиёзи” шеърий тўпламидаги “Муножот”да шоиранинг Яратганга нолаю илтижоси, шукроналиги шундай тасвирланади:

*Минг йил тузганимни барбод айларсан,
Минг йил бузганимни обод айларсан.
Қандоқ, қиёмат бу қонлар бузилди,
Ҳар лаҳза айларсан, бот-бот айларсан.
Гоҳ мени гам билан мустарин айлаб,
Ғаниму касларни дилишод айларсан².*

Кўринадики, лирик қаҳрамон инсоният номидан Яратганга илтижо қиласди. Зоро, “Минг йил тузганим”, “Минг йил бузганим” – бу алоҳида инсон шахсига хослик эмас. Яъни, инсоннинг Яратган измидан фарқли равишда ўзи хоҳлаганча тузганлари бардод бўлади. Инсон барбод этган нарсалар Оллоҳнинг инояти билан обод бўлади. Кейинги сатрларда одамзод ҳаётидаги нопокликлар давомийлигидан ҳайратга тушиш ифодаланади. Шунингдек, инсоннинг ғамга ботишидан унинг ғанимлари шодланиши ҳам асосли. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, шеърдаги “Минг йил тузганимни барбод айларсан, Минг йил бузганимни обод айларсан” мисралари Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида Баҳром тарихига бағишинган XI бобида берилган (“У (Яздажурд) нимани бузган бўлса, бу (Баҳром) ҳаммасини тузди”) мазмунидаги тарду акс санъати қўлланган куйидаги байт билан ҳамоҳанглик касб этади:

*Ҳар не ул бузди, бу борин тузди,
Бу борин тузди, ҳар не ул бузди³.*

Ҳаёт конуниятлари ва инсоният тарихидан англашиладики, хоҳлаймизми, йўқми ижтимоий воқеликда ёвузлик ва иллатлар кўплаб учрайди. Уларни ҳаққоний тасвирлаш учун ижодкор дунёнинг фожеий рухини теран тушуниши ва тушунтира олиши лозим. Шеърдаги фожеий ҳолат ва оҳанг орқали Гулжамол Асқарова ҳаётнинг шафқатсизлиги олдида кишиларни тушкунликка тушмасликка даъват қилаётгандек. Зотан, кўнгилдаги санчиқлар, дилдаги оғриқлар қанчалик ўқинч ва аламли бўлмасин, ҳақиқат, эзгулик ва адолат ундан баланд туради. Демак, фожеий қисматларни реалистик тасвирлаш бадиий санъатдаги гўзалликнинг ўзига хос кўринишларидан биридир.

“Муножот”нинг кейинги сатрларида лирик қаҳрамонинг шукроналиги, инсон (аёл) зоти бўлиб яратилганлиги, насл-насаб давомийлиги, инсоннинг бу ҳаётга банди эканлиги каби масалалар бадиий талқин этилган ҳолда ўқувчини ўз умри ва унинг мазмун-моҳияти хусусида чуқурроқ мулоҳаза юритишига ундейди:

² Аскарова Г. Эркалик имтиёзи. – Т.:Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 135. (*Қолган мисоллар ҳам шу манбадан олиниб, қавс ичида саҳифаси кўрсатилади.*)

³ А.Навоий Муқаммал асарлар тўплами. Сабъаи сайёр. – Т.: Фан, 1992. – Б.72.

*Шукурким, хонимлар қавмига қўшдинг,
Ахир не бандангни безот айларсан.
То бунёд бўлдимки занжиср тўқийман,
Қачон бу қулликдан озод айларсан.
Умидлар этарға изн бер, Тангрим,
Минг дод этганимда бир ёд айларсан.* (135–136-бетлар)

Гулжамол Асқаров ижодида муножотлардан фарқли равища мuloқot шаклидаги шеърлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Уларда Яратган билан гойибона кечган мuloқot тафсилотларининг баёни талқин этилади.

*“Тангрим, дедим, ҳар неники ижобат эт!”
Тангрим айтди: “Ҳар не айтсам итоат эт!”
Мангу обод бўлай дессанг оёққа тур,
Дараҳтлардек кеча-кундуз ибодат эт!”.*

*Ё Раббимо, тиловатни хато қилма,
Садо келди: “Саловатни хато қилма!”
Кўнглимга бир нурлар тушибди: манам покман!
Тангрим, шу бир ҳаловатни хато қилма!* (107-бет)

Инсон аксарият ҳолларда ўз ирода ва истаги, нафси қулига айланади. Ҳаётий аъмоли яхши-ёмонини англамасдан Яратгандан мадад сўрайди (“Ҳар неники ижобат эт!”). Шунинг учун ҳам мuloқot жараёнидаги илоҳий садо (“Ҳар не айтсам итоат эт!”) бутун инсониятни эзгуликка етакловчи асосий омил экани англашилади. Лирик қаҳрамоннинг “Тангрим, шу бир ҳаловатни хато қилма!” – дея қилаётган илтижосида инсоннинг фоний ва боқий дунёдаги ҳаловати англашилади. Зоро, икки дунёнинг ҳам мангу ободлигига Оллоҳ таоло ва бандаси иродасининг мутаносиблиги орқали эришилади. Негаки, инсон кўнглидаги ният, ирода Тангри иродасидан дилга кўчган бир зарра.

Г.Асқарованинг “Савол-жавоб” деб номланган шеъри атиги 3 сатр, 4 сўздан иборат бўлиб, унда инсоннинг ҳаёти, унинг асл моҳияти мuloқot шаклида аниқ ҳамда теран мuloҳазали асосда талқин этилган.

*Қаерга
Кетяпман? – дедим
Худога!!!* (267-бет)

Шеър моҳиятида инсон ибтидоси ҳамда интиҳоси хусусидаги мунозара мужассамлашган бўлиб, унда шакл ва мазмун мутаносиблиги алоҳида эътирофга молик. Ҳаёт, унинг мазмун-моҳияти ҳақидаги абадий ўйлар (жумбок) шеърнинг асосий фалсафасини белгилаган. Маълумки, шоирлик қисмати аслида дард исканжасидан иборат. Зоро, одамзод тақдирни маънавий камолотга дахлдорлик касб этса-да, унга элтадиган

йўллар зиддият ва мураккабликларга тўла. Бироқ ёвузликка қарши буюк бир қудрат мавжуд, бу – эзгулик! Шеърдаги тўрт сўз жорий ҳакиқатни яна бир бор тасдиқлаган.

Мазкур шеърда лирик қаҳрамон кечинмаси ва илоҳий мулоқоти аниқ ва равшан акс эттирилган. Зоро, адабиётшунос Раҳимжон Раҳмат таъбири билан айтганда “Шеъриятда инсон юрагининг сир-асрорлари акс этади. Инсон юрагининг сирли томони шундаки, у дунёга аввалбошданоқ, забт этилган ҳолда келади. Шунинг учун нон деб йифламайди у, обрў деб ўқинмайди. Юрак – фойибдан келиб ичимизга ўрнашган элчи. У алалоқибат ўша фойибнинг иродасига бўйсунади. Шеърият эса ичимиздаги элчиларнинг хос сұхбатидир”⁴.

Дарҳақиқат, шеърият қўнгил ва рух орасидаги илоҳий алоқани қайта тиклайди. Ҳис, кечинма ва туйғунинг ижтимоий-фалсафий моҳияти фақат таҳлил жараёнидагина аёнлашади. Назмнинг таянч нуктасини муҳокама таъминлар экан, унинг мағзини монологлашган онгнинг диалогик кўриниши намоён қиласи.

* * *

Аннотация: Мақолада ҳозирги ўзбек шеъриятида муножот ва мулоқот шаклларининг қўлланиши ҳамда уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, шунингдек, ижодкор бадиий маҳорати масалалари илмий-назарий таҳлил қилинган.

Аннотация: В статье дан научно-теоретический анализ использования форм общения и диалога в современной узбекской поэзии, а также их идеологических и художественных особенностей и вопросов творческих художественных навыков.

Abstract: The article provides a theoretical analysis of the use of forms of communication and dialogue in modern Uzbek poetry and their ideological and artistic features, as well as issues of creative artistic skills.

⁴ Раҳимжон Раҳмат. Адабиётдан чиқиш. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 33.